

ШАРТНОМА № 96

(Лойиҳа-смета ҳужжатларини шиллаб чиқиши)

Тошкент ш.

Юборилган сана
Тасдиқланган сана “21” Декабр 2022 йил

“ 15 ” Декабр 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Аксиядорлик тижорат Халқ банки Самарқанд вилоят филиали Амалиёт булими номидан ишончнома асосида иш қурувчи булим бошқарувчиси С. Уроков бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «ARCHPELAG» МЧЖ номидан Низом асосида иш қурувчи фирма раҳбари З. Ёқубов Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан etender.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 163269) эълон қилинган ва Аксиядорлик тижорат Халқ банки Самарқанд вилоят филиали харид комиссиясининг 2022 йил 16.11.2022 даги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

Шартнома предмети ва муддати.

1.1. Бажарувчи Аксиядорлик тижорат Халқ банки Самарқанд вилоят филиали биносини капитал таъмирлаш ишлари учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш (кейинчалик-объект) бўйича мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи шартнома бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади, шу жумладан учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказди.

1.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб шартноманинг 2-иловаси “Бажариш ва молиялаштириш жадвали” да белгиланган муддатларда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари.

2.1. Шартноманинг баҳоси шартнома тарафларининг келишуви (1-илова)га асосан ҚҚС билан 90 000000 (тўқсон миллион) сўмни ташкил этади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”га мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ҳазначилигида рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертизаси хулосасини олиб, Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдоридан) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатлари баҳоси (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилганда Тошкент вилояти туман ҳокимиятлари молия бошқармалари) томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.

3. Томонлар мажбуриятлари.

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчи тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилгандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши, тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуксонлар кайдномаси ёки ижро ҳужжатлари, пудрат ташкилотининг ўртача иш ҳақи, ишлатилган машиналар, механизмлар ва техник кўрсаткичларга эга транспорт воситалари, ишлатилган машиналар, механизмлар ва транспорт воситаларининг ишлаш харажатлари кўрсаткичлари, пудратчининг бошқа харажатлари, лойиха-смета ҳужжатларининг белгиланган ҳужжатларидаги бошқа харажатлари.

Тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда) тақдим қилади.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиха-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиха-смета ҳужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аниқланган тақдирда ёрдамчи ташкилот ишлаб чиқилган лойиха-смета ҳужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.6. Лойиҳанинг асосий ечимларини буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

3.7. Лойиҳада назарда тутилган объектда (Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги ва Транспорт вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган Вактинчалик йўриқномага асосан) Лойиҳачи ташкилот сифатида белгиланган тартибда муаллифлик назоратини обиб боради.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Низоларни ҳал этиш.

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан

Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида хал қилинади.

7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ҳазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

9. Қўшимча шартлар.

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инobatга олган ҳолда ҳамда Буюртмачи билан келишилган ҳолда, ёрдамчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома 2023йил 31 декабрга қадар амал қилади.

9.8. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова - Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали.

3-илова - Манзилли рўйхат.

10. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”



“Бажарувчи”

“ARCHIPELAG” МЧЖ

Тошкент ш., Учтепа тумани,

Дадил 6-тор кўчаси 1-уй

Тел.: (97)718-83-37


X/P: 20208000500968758001

ИНН: 305979423 ОКЭД: 71110

МФО: 01115 «ORIENT FINANS» ХАТБ

Шайхонтохур филиали

ҚҚС рўйхат рақами 326100167789



Юборилган сана 2022йил "_15_" декабр
Тасдиқланган сана 2022 йил "___" декабр
96 -сонлишартномага
2 -илова

Аксиядорлик тижорат Халқ банки Самарқанд вилоят филиали биносини капитал таъмирлаш
ишлари учун лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш бўйича

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

мингсўм

| № | Бажариладиганишларнинг оми | Қиймат и | Бажариш | | Молиялаштириш мудда ти |
|---|--|---------------|------------------------|------------|------------------------------|
| | | | муддат и | қиймати | 2022йил |
| | Аванс миқдори | 27 000 000 | | | 27 000 000 |
| | Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш | 90 000 000 | 2023- йил 30 кун | 90 000 000 | 63 000 000 |
| | Жами: | 90 000 000 | | | 90 000 000 |

Буюртмачи



Бажарувчи



Юборилган сана “15” Декабр 2022 йил
Тасдиқланган сана “21” Декабр 2022 йил
96 -сонли шартномага 1 - илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо чекувчилар: **Акциядорлик тижорат Халқ банки Самарқанд вилоят филиали** биносини капитал таъмирлаш ишлари учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича 2022 йил “15” декабр 96-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 90 000 000 (тўқсон миллион)сўмни ташкил қилади. Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб–китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

Халқ банки Самарқанд вилоят филиали
Самарқанд ш. Д.Темур 1424Б
Х/П 199070001000010005506
Ш/Н 207215726
МФО: 01005



Булим бошқарувчиси С. Уроков

“Бажарувчи”

“ARCHIPELAG” МЧЖ

Тошкент ш., Учтепа тумани,
Дадил 6-тор кўчаси 1-уй
Тел.: (97)718-83-37
Х/Р: 20208000500968758001
ИНН: 305979423 ОКЭД: 71110
МФО:01115 «ORIENT FINANS» ХАТБ
Шайхонтохур филиали
ҚҚС рўйхат рақами 326100167789



Директор З. Ёкубов